

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА
ИНСТИТУТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК 541.123+546.135+661.44

САТТОРОВ ОЙБЕК ХАСАНОВИЧ

“ПОВИНИЛБУТИРАЛ ЧИҚИНДИСИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ”

5А 320401 «Ноорганик моддалар кимёвий технологияси»
мутахассислиги бўйича магистр академик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий рахбар

т.ф.н.

Рахмонов О.К.

Фарғона – 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ	7
1.1 Поливинилбутирал хоссалари ва қўлланиши.....	7
1.2 ПВБ-плёнка модефикацияси усуллари	11
1.3 ПВБ-плёнка чиқиндиларини қайта ишлашнинг зарурий ҳолати	17
1.4 Полимерлар асосида елим маҳсулотларини олиниши.....	22
1.5 Елимларни қўлланилиши.....	28
I - боб бўйича хулоса.....	29
ТАДҚИҚОТ ҚИСМ.	
II – БОБ. ПВБ-ПЛЁНКА ЧИҚИНДИСИ АСОСИДА ЕЛИМЛОВЧИ МАТЕРИАЛЛАР ОЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ТАДҚИҚИ.	
2.1 Дастлабки моддалар характеристикаси ва кимёвий анализ усули.....	30
2.2 Физик-кимёвий анализ усуллари.....	31
II - боб бўйича хулоса.....	34
III - БОБ. ПОЛИВИНИЛБУТИРАЛ ПЛЁНКА АСОСИДА ЕЛИМЛОВЧИ БИРИКМАЛАР ОЛИШ ЖАРАЁНИ ТАДҚИҚИ.	
3.1 Поливинилбутирал чиқиндиси таркибини тадқиқи	35
3.2 Поливинилбутирал эритувчилари ва модефикацион қўшимчалари тадқиқи.....	36
3.3 Поливинилбутирал чиқиндиси асосида олинган елим маҳсулотлари хоссалари тадқиқи.....	41
III – боб бўйича хулоса.....	55
Хулоса.....	56
Фойдаланилган адабиётлар	57

КИРИШ.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида одилона, демократик жамият қуриш йўлида собит қадамлик билан ҳаракат қилинмоқда. Бу ишларнинг амалга оширилишида фан ва ижодиётга муносиб ўрин берилган бўлиб, бу ҳолат мамлакат ҳаётининг барча қирраларида яққол кўринади. Саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларга фан ва техниканинг илмий маҳсулотлари режали равишда жорий этиб борилмоқда. Янги технологияларни жорий этиш, мавжудларини такомиллаштириш йўналишларида катта ишлар амалга оширилди. Асакадаги Ўз ДЭУ АВТО, нефтни қайта ишлаш заводи, Фарғонадаги Евроазия-ТАПО-ДИСК, Ўзсаламан, қатор тўқимачилик корхоналарида тубдан янги технологик линиялар ўрнатилиб, ҳозирда улар юқори сифатли маҳсулот ишлаб-чиқаришга хизмат қилмоқда.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларида меҳнат қилаётган мутахассисларнинг профессионал кўрсаткичларига юқори талаблар қўйилмоқда, касб маҳорат билан бир қаторда улар компьютер технологияларидан фойдаланиш уқув ва тажрибаларга эга бўлишлари талаб этилмоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва уларнинг амалиётга жорий этилиши кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, тайёрланадиган бакалавр ва магистрлар сифатини оширишга қаратилгандир. Бу йўналишда ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва қўллашга катта аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимиз олимлари фундаментал ва амалий тадқиқотлар йўналишларида самарали меҳнат қилиб келмоқдалар. Ҳозирги даврда мамлакат истиқболини белгиловчи устивор йўналишларда давлат бюджетида катта маблағлар ажратилиб, комплекс илмий-тадқиқотлар олиб берилмоқда. Бу ишларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва унинг тармоқ илмий-тадқиқот институтлари билан

биргаликда олий ўқув юрларининг олимлари ва талабалар ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар.

Илмий ижодиёт натижаларини амалиётга – ишлаб-чиқаришга жорий этиш меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, унинг сифатини яхшилаш, рақобатбардошлигини таъминлаш, эксплуатация кўрсаткичларини ошириш шаклларида намоён бўлади.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда машинасозлик саноати ривожланган мамлакатлар қатори тез суръатларда ривожланиб бормоқда. Автомобиль ишлаб чиқаришнинг асосий омиллардан бири бу эҳтиёж қисмларини етказиб беришдан иборатдир. Ишлаб чиқарилаётган автомобилларни эҳтиёж қисмларининг кўп қисми бугунги кунда мамлакатимизда тайёрланмоқда. Фарғона шаҳрида ишга тушган –АвтоОйна|| маъсуляти чекланган жамияти автомобилларни ойналик эҳтиёж қисмлари билан тўла таъминламоқда. Машинасозлик саноатида автомобиллар учун юқори сифатли маҳсус триплекс ойналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, тўлиқ қувватда фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари триплекс ойналар транспорт воситалари учун ойналари ишлаб чиқариш билан бир қаторда, бино қурилишларида фасадаларини ойнали кўринишга келтиришда, зирхли ойналар ишлаб чиқаришда ва бошқа мақсадларда ҳам кенг ишлатилади. Ушбу триплекс ойналарини ишлаб чиқаришда қўлланилаётган баъзи хом ашёлар хорижий мамлакатлардан келтирилмоқда.

Триплекс ойналар ишлаб чиқаришнинг икки хил усули мавжуд бўлиб, қуйма ва плёнкалидир. Плёнкали триплекс ойналар ишлаб чиқаришда асосан поливинилбутирал қўлланилади. Поливинилбутирал (ПВБ) поливинил спиртининг(ПВС) ацеталидир. Бундай мақсадларда поливинилбутирал юпқа парда (плёнка) кўринишида кенг ишлатилади. Амалиётда поливинилбутирал плёнка қуйидаги уч фойдали хусусиятни намоён қилади. Яъни биринчидан, ойнанинг зарбага бардошлилигини оширади, иккинчидан, ойнанинг синиш ҳолатларидаги синган бўлакларни

ушлаб қолади, учинчидан, зарба текканда пластик деформацияга йўлиқади (авария ҳолатида йўловчилар хавфсизлиги маълум даражада таъминланланади). Ҳозирги кунда поливинилбутирал ҳам ашҳеи хорижий мамлакатлардан келтирилиб фойдаланилмоқда.

Мавзунинг долзарблиги: Ойнали махсулотлар олиш саноатида триплекс ойналар ишлаб чиқаришда маълум миқдорда поливинилбутирал чиқиндилари ҳосил бўлади. Ушбу ностандарт ҳолатидаги ПВБ чиқинди сифатида чиқариб юборилмоқда. Поливинилбутирал чиқиндиларини қайта ишлаш орқали турли мақсадларда фойдаланиш - махсус полимер ҳам ашҳедан фойдаланиш коэффицентини оширади.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси:

Поливинилбутирал плёнка чиқиндисини асосида комплекс елимловчи махсулот олиш ўрганилган. Олинган комплекс таркибли елим махсулотларни ишлатилиш соҳаси аниқланган. Чиқиндиларни қайта ишлаш орқали юзага келиши мумкин бўлган экологик муаммоларни олди олинган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи:

Поливинилбутирал плёнка чиқиндиларини турли усуллар (елимловчи махсулотлар ва изоляцион материаллар олиш) билан утилизация қилиш мумкинлиги аниқланган. Бунда юқори эксплуатацион хусусиятли, оптимал таркибли елим махсулотининг таркиби аниқланган ва саноатда ишлатилишга тавсия этилган.

Маълумки, поливинилбутирал плёнкаси - қатор қимматли хоссаларни намоён этувчи қимматбаҳо материалдир. Унинг хоссаларига: юқори эластиклиги, мустаҳкамлиги, шаффофлиги, нур ўтказиш хусусияти, силлиқ юзаларга нисбатан адгезияси, намликка бўлган оз сезувчанлиги, юқори иссиқлик, ёруғлик ва совуққа бардошлилиги киради. Шунинг учун ПВБ плёнка чиқиндиларини қайта ишлаш актуал муаммо ҳисобланади.

Саноат чиқиндиси бўлган поливинилбутирал асосида елимловчи таркиблар олиш асосида, ҳосил бўлган чиқиндилардан самарали

фойдаланиш мумкин.

Ушбу ҳолатни бартараф этиш ва чиқиндиларни қайта ишлаш учун полимернинг физик-кимёвий ҳоссалари ўрганиш ва олиниши мумкин бўлган моддалар аниқлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ностандарт поливинилбутирал ҳам ашёсидан самарали фойдаланиш ва олинаётган маҳсулотлар таннаҳини камайтириш билан қайта ишлаш орқали саноатнинг турли тармоқларида фойдаланиш мумкун бўлган тайёр маҳсулот олишга эришиш, ишлаб чиқариш рентабиллигини ошириш, ишлаб чиқаришдаги технологиянинг давомийлигига асос солиниши, вужудга келиши мумкин бўлган экологик муаммоларга барҳам беради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.

1.1 Поливинилбутирал хоссалари ва қўлланиши.


Поливинилбутирал (ПВБ) поливинилспиртининг (ПВС) ацеталидир, яъни мой альдегидининг ПВС гидроксиллари билан таъсирлашув маҳсулидир. [1]. Полимернинг молекуляр массаси у олинган поливинилспиртининг молекуляр массасига яқин, полимерланиш даражаси – 500 – 1600.

Полимер спиртлар, кетонлар, эфирларда эрийди; уларга 5 % сувни қўшилиши эритувчанлик хоссасини яхшилайдиган [2]. Суюлтирувчи сифатида ароматик углеводородлар, мураккаб эфирлардан фойдаланиш мумкин. Полимернинг ойналашиш харорати – 55 – 57⁰С. ПВБ плёнкалари шаффоф, рангсиз, нурга чидамли, турли нарсаларга яхши адгезияси билан характерланади, сув ютиш кўрсаткичи паст (24 соат ичида 0,4 – 3% гача), ҳамда биотурғундир. Пластификаторсиз ПВБ плёнкалари дағаллиги билан фарқ қилади. ПВБ дибутилфталатлар, триэтиленгликол, бутилбензилфталатлар билан яхши мос келади. Молекуляр оғирлик ва бутирал гуруҳлар ортиши билан пластификатор миқдори ортиб боради. Пластификатор полимердан осон бўғланиш хоссасига эга.

1950 – йиллар бошида поливинилбутирал дала консервацияларида ва археологик топилмаларни камерали қайта ишлашда, хусусан қўлёзмалар фрагментларини қайта ишлашда фойдаланилган. 1960 – йилларда поливинилбутирални Эребуни (Армения) қазилмаларидаги археологик суратларни фрагментларини консервация қилишда қўллашга ҳаракат қилинган. Лекин бу уриниш самарасиз натижа берган, чунки поливинилбутирал эритмалари юқори молекуляр масса сабабли паст концентрацияда ҳам юқори қовушқоқликка эга бўлган ва сурат юзасида плёнка ҳосил қилиб суратни сифатини бузиб қўйган.

Поливинилбутиралнинг эскириши радикал жараён бўйича содир бўлади. Маълумки, 150 ⁰С хароратда ПВБ ни термооксидланиш жараёни

1. Мой альдегидиниг ажралиши (ёруғлик, УФ-нурланиш, иссиқлик, намлик таъсирида).



$$\begin{array}{c} \text{---CH}_2\text{---CH---CH}_2\text{---CH---} \\ | \qquad \qquad | \\ \text{OH} \qquad \text{OH} \end{array} \xrightarrow{-\text{H}_2\text{O}} \text{---CH}_2\text{---CH=CH---CH}_2\text{---}$$
$$\begin{array}{ccc} \text{-CH}_2\text{-CH-CH}_2\text{-CH-} & & \text{-CH}_2\text{-CH-CH}_2\text{-CH-} \\ | \quad \quad | & & | \quad \quad | \\ \text{OH} \quad \text{OH} & \xrightarrow{-\text{H}_2\text{O}} & \text{O} \quad \quad \text{O} \\ | \quad \quad | & & | \quad \quad | \\ \text{OH} \quad \text{OH} & & \text{-CH}_2\text{-CH-CH}_2\text{-CH-} \\ \text{-CH}_2\text{-CH-CH}_2\text{-CH-} & & \end{array}$$

8

жараён хар бир холат учун алохида мураккаб тарзда кечиб, атроф мухит таъсири ва бошқа ташқи таъсирларга қараб кечади.

Поливинил спиртининг ацеталлари - барча ривожланган давлатларда сезиларли миқдорда ишлаб чиқариладиган мухим техник махсулотлардир. Улар орасида алохида ўрин тутадигани поливинилбутиралдир [3].

Поливинилбутирал - поливинил спиртининг мой альдегидининг конденсатланиш махсулотидир аморф полимердир ва қуйидаги формула билан ифодаланади:



Формуладан маълумки поливинилбутирал таркибида винилацетат, винилспирт, ацеталь бўғинлар тутган сополимер ҳисобланади. Полимерларнинг бундай жойлашуви ҳамда молекуляр массанинг ўзгариши эҳтимоли ПВБ хоссаларини кенг равишда ўзгариши ва турли қовушқоқликка, эрувчанликка, адгезион хусусиятга, юмшаш хароратига, механик ҳамда диэлектрик кўрсаткичларга эга бўлган махсулотлар олиш имкониятини яратади.

Поливинилбутиралнинг бир неча физик кимёвий хусусиятлари қуйида келтирилган:

Зичлиги, кг/м	1000
Синиш кўрсаткичи	1,48-1,49
Чўзилишдаги узилиш кўрсаткичи, МПа	60-80
Чўзилишдаги эгилувчанлик модули, Мпа	1100-1400
Букилишдаги эгилувчанлик модули, МПа	2200-2400
Солиштирма иссиқлик сиғими, дж/(г*С)	1,8-2,3
Иссиқлик ўтказувчанлик Дж/(г*м*°С)	6,1-8,4

Поливинилбутирал узоқ муддат ичида 90⁰С гача иссиқликка бардош беради. (бунда ранги бироз ўзгаради.) стабилизацияланган махсулот бир

неча соат 150°C хароратга чидайди (бунда деярли ранги ўгармайди. $150-170^{\circ}\text{C}$ хароратгача исситилганда полимернинг альдегид ажралиши ва ранги ўзгариши билан парчаланиши содир бўлади. ПВБ пластификаторлар (фталатлар, себацинатлар ёки бошқа мураккаб эфирлар), фенол, мочевино, ноформальдегид смолалар билан яхши аралашади. Поливинилбутирал яхши оптик хусусиятларни намоён қилади, металл, шиша, дарахт, қоғоз, мато ва пласмассаларга юқори адгезионликни намоён қилади. Атмосфера ва шовқинга турғун, кислород ва озон таъсирига чидамли. ПВБ таркибидаги (ОН) гуруҳ диэпоксидлар, диизоционатлар, фенолформальдегид ва мочевино формальдегид смолалар. Кўп асосли кислоталар, металллар хроматлари ва бихроматлари билан таъсирлашиб эрувчан бўлмаган бирикмалар ҳосил қилади. [2,4-6]

Қимматли хоссалари турли туманлиги сабаб поливинилбутирал кенг қўлланилиш соҳасини топти. Уни лаклар [7-10], эмаллар, мастикалар, елимлар [11-12], қарска ишлаб чиқаришда боғловчи модда сифатида [13-15], териға суркаладиган қуёшдан сақловчи бирикмалар [16], керамика асосидаги қаватли металллар, абразив (чархлаш, силлиқлаш асбоблари учун ишлатиладиган майда донодор материаллар) олиш учун [17,18], амортизацион [19], фотополимерланувчи бирикмалар олиш учун [20], электрон ёзувда ишлатиладиган қоғоз ишлаб чиқаришда [21], гидрогеллар ишлаб чиқаришда [22], транзисторлар мембранасини ишлаб чиқаришда [23], кенг қўлланилади. ПВБ нинг энг кенг ишлатилиш соҳаси плёнкалар ишлаб чиқаришдир.

Поливинилбутиралнингдунё саноатидаги умумий ишлаб чиқарилиши тахминан 50 минг т/йил дейиш мумкин [1]. ПВБ ни ишлаб чиқариш бўйича етакчи давлатлар АҚШ, Германия, Япония, Россия, Франция ва Буюк Британия ҳисобланади.

АҚШда поливинилбутирални ишлаб чиқарувчи корхоналар : -Monsanto® ва -Union Carbide®, Германияда —Hoechst®, Японияда -Секусий кагаку коге®, Францияда-- Rhone Poulenc® ва -Saint Gobain®дир.

–Monsanto|| фирмаси энг йирик поливинилбутирал ишлаб чиқарувчи хисобланиб унинг зиммасига ПВБ ишлаб чиқаришнинг дунё бўйича 60% и тўғри келади.

1.2 ПВБ-плёнка модификацияси усуллари.

ПВБ-плёнкани қўлланилиши. ПВБ-плёнкани қўлланилиш соҳаларидан асосийси парчаланмайдиган (безосколочный) триплекс ойналарини ишлаб чиқаришдир. Триплексларни автомобиль ва авиация транспортида ишлатилиши йўловчиларнинг хавфсизлик талаблари ошиб бориши билан бир қаторда доимо ошиб бормоқда. Бир қанча давлатларда (АҚШ, Белгия, Швеция) триплекс ойналар ишлатиш қонун билан белгиланган. Автомобиль саноати ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилган ПВБнинг 50-70% и триплекс ойналар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган плёнкалар ишлаб чиқаришга сарф бўлади.

ПВБ нинг яна бир қўлланилишининг йирик соҳаси- бу қурилишдир (бино ва банк ойналари, витриналар ва х.к) [25-28]. Бундай ойналар ишлаб чиқариш учун 30% гача поливинилбутирал сарф бўлади [24].

Триплексни ёпиштириш (елимлаш) учун турли хил полимер материаллар ишлатилади, масалан, полиуретанлар, полиамидлар, мураккаб винил эфирларини этилен, акрил кислотаси билан бўлган сополимерлари. ПВБ-плёнкани бу соҳада ишлатилиши унинг юқори эластик, мустахкамлик, шаффофлик, ёруғлик ўтказувчанлик, силлиқ юзаларга юқори адгезион хусусияти (жумладан силикат ва органик шишаларга), намликка оз сезувчанлиги, хароратнинг турли интервалида узоқ муддат ишлатиш мумкинлиги, юқори иссиқлик, ёруғлик ва паст хароратга чидамлилик хусусиятлари сабабли энг кўпдир. [29-34].

Поливинилбутирал плёнка учун.

ПВБ-плёнка хоссалари поливинилбутирал хоссалари билан белгиланади, чунончи молекуляр масса, молекуляр массаларнинг тақсимланиши, асосий функционал гуруҳларнинг (ацетат, гидроксил, бутирал) ўзаро муносабати, термотурғунлиги.

Парчаланмайдиган триплекс ойналар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ПВБ-плёнкани тайёрлаш учун одатда молекуляр массаси 50000-300000 бўлган ПВБ ишлатилади, унинг таркибида 0-3 % винилацетат, 12-75 % винилспирт ва 78-82 % винилбутираль занжирлар бўлади [34,35].

–Монсанто|| фирмаси бу мақсадда қуйидаги хусусиятли ПВБ ишлатишни таклиф этади:

Молекуляр масса	75000-250000,
Винилспиртлар	16-25%,
Винилацетатлар	0-3% [36-39].

ПВБ-плёнкани сифатига (адгезия, зарбага чидамлилиги) поливинилбутиралнинг ишқорли титри катта таъсир кўрсатади. Ишқорли титрни ПВБ-плёнкани силикат ойнага адгезия хусусияти катталигига таъсирини –Монсанто||, –Динамит Нобель|| фирмалари тадқиқотларида келтирилган. Маълумки, ишқорли титрнинг оптимал қиймати 100 г ПВБда 60-200 мл 0,01н хлорид кислотади. Белгиланган титрни олиш учун ПВБ ни кўп асосли кислоталарнинг (малеин, фтал ва бошқа) монокалийли тузлари билан ишлов бериш тавсия қилинади [40].

Худди шу мақсадда монокарбон кислоталарнинг ишқорий ва ишқорий-ер металл тузларини ишлатиш мумкин [41]. Юқорида келтирилган бирикмалар ПВБ синтези жараёнининг стабилизация босқичида қўшилади ёки плёнкали композицияга плёнка хосил қилишдан олдин юборилади.

Охирги йилларда ҳар хил иқлим шароитларида узоқ муддат имкониятини берадиган юқори термостабил хусусиятли плёнка олишга катта эътибор қаратиляпти. Термотурғун ПВБ олиш учун –Сенторарутора-су к.к|| (Япония) ПВБ қайта ишлашда тўйинмаган алифатик дикарбон кислотанинг тузлари ёки ароматик монокарбон кислоталарнинг ишқорий ва ишқорий-ер металл тузларидан фойдаланишни таклиф этди. Қайта ишлашни 0.05-10% (полимер массасига нисбатан) олинган юқоридаги

тузлар эритмаси билан амалга оширилади. Тузлар қўшилгандан кейин ПВБ нинг иссиқликка турғунлиги сезиларли яхшиланади. Бундай ПВБ асосида ишлаб чиқарилган плёнка юқори ёруғликка турғунлик ва термотурғунлик, эскиришга турғунлик, юқори механик мустахкамликка эга бўлади [42,43].

–Секисуй когакукоге.к.к|| ПВБ ни иссиқликка турғунлиги ошиши учун 2,6 дитрет-бутил-п-крезол, 3-метил-4-изопропилфенол ва бошқа моддалар қўшишни таклиф қилади [44,45].

Термик деструкцияни камайтириш учун кремний оксидини ишлатиш таклиф этилган [47]. Юқори термотурғунликка 100 қисм эпоксид смола, 30-50 қисм ПВБ ва дициандиамида феноло-олигомер тутган композицияга эгадир [48].

Плёнка учун пластификатор.

Парчаланмайдиган триплекс ойналар учун ишлатиладиган ПВБ-плёнка, зарба энергиясини ютиш ва бир вақтнинг ўзида синган шишаларни ушлаб қолиши учунетарли мустахкамликка, адгезияга ва эластикликка эга бўлиши керак. Молекуляр боғларнинг қаттиқлиги эластик хусусиятларни ошириш учун ПВБ ни пластификация қилиш заруратини туғдиради. 60-70 йиллардаёқ ПВБ-плёнка пластификаторлари сифатида кўплаб бирикмалар таклиф этилган [49-51].

ПВБ-плёнка саноатида кўп ишлатиладиган пластификаторлар: триэтиленгликол-ди-2-этил-гексоат, дибутилсебецинат. Юқоридаги пластификаторлар тутган ПВБ-плёнка юқори эластикликка эга (нисбий узайиши >200%), юқори мустахкамликка, намлик, иссиқлик ва совуққа бардошли, ёруғлик ўтказувчанлиги юқори >85%, минус 60⁰С дан плюс 85⁰С харорат оралиғида қўлланилиши мумкин [49].

Плёнкани турғунлиги.

ПВБ да раннинг пайдо бўлиши сабабларидан асосийсигидропероксид гурухларни полимерни қиздирилиши натижасида парчаланиши эвазига содир бўлиши аниқланган [63].

Юқоридаги ПВБ деструкцияси олдини олиш учун қайта ишлашда стабилловчи (0,5-5% миқдорда) қўшимчалар қўшилади.

Мисол учун, -Хехстл фирмаси стабилизатор сифатида фенол турига оид (масалан 2,6-ди-трет бутил 4-лаурил фенол, 2,6-ди-трет бутил-п-крезол, 2,4,6-триметил фенол) бир ёки бир неча 5-50% аралашмали оддий стабилизатордан фойдаланилади ёки 50-95% трилаурилфосфит, тристераилфосфит, дифенилоктилфосфит ва х.к.

Стабилизаторларнинг бевосита қайта ишлашдан олдин киритилади [66]. Пластификаторлар ва антиоксидантларнинг қўллаш яхши эффект беради. ПВБни феназон (-1, -23,-28) билан қоришмасига дилаурилтиопропионатни қўшилиши фенозанни антиоксидловчилик хусусиятини оширади. Антиоксидантлар оксидланишдаги бўйлишни сустлаштиради[67]. Лекин эфир 3,5 ди-трет-бутил-4-гидроксифенил пропион кислота ва диэтиленгликоль қўлланилиши ПВБ ни оксидланишдан кейингисарғайишини 2,5 марта камайтиради [68].

ПВБ ни термооксидловчилик турғунлигини ошириш усуллари дан бири, уни кислородсиз қуритишдир, бундан ташқари қуритишдан аввал антиоксидантларни 0,1-0,3% миқдорда қўллашдир [69].

Юқори термо ва ёруғлик турғунлигига (100°C да) эга бўлган плёнкаларни олиш учун ароматик аминлар ва дианилино-диорганосиланлардан фойдаланилади. Бундай плёнкалар самолётларнинг иллюминаторларини химоя ойналарини ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади [70].

ПВБ-плёнкани стабиллаштириш учун ва эскирмайдиган триплекс олиш учун диалкиламинометилфенолдан фойдаланиш тавсия этилади [71].

Плёнкани адгезия регуляторлари.

ПВБ-плёнкани шишага адгезияси-триплексни зарбага чидамлилигини асосий кўрсаткичидир. Жуда юқори адгезияда (8 МПа дан ортиқ) зарба худудида хавфсиз ойнани маҳаллий қатламларга ажралиши кузатилади, зарба энергияси кичик юзада тўпланади ва бундай ихчам

система осон ёрилади. Плёнканинг шишага кичик адгезиясида (5 МПа дан кичик) зарба соҳасида зарба энергияси таъсирида хавфсиз ойнани қатламларга ажралиши катта юзада амалга ошади ва синган ойнани ажралиши натижасида плёнкани катта юзаси очилиб қолади. Плёнкани ойнага оптимал адгезияси 6-7 МПа, бундай адгезияда зарба энергияси катта юзада тарқалиб кетади ва бунда триплекснинг қатламларга ажралиши кузатилмайди.

–Дюпон® фирмаси ПВБ-плёнкани адгезия регулятори сифатида неодекан кислотанинг металл тузларини ишлатишни таклиф этган. [77].

Плёнка ишлаб чиқариш рецептураси.

ПВБ-плёнка ишлаб чиқарувчи фирмалар уларнинг махсулотлари жахон стандартлари талабларини қондириши билан бирга махсулот таннархи арзонроқ бўлишига интилишади. Бу мақсадни амалга ошириш учун ПВБ-плёнкани ишлаб чиқариш технологияси ва рецептурасини тўғри танлаш самарали натижа беради.

– Кокай токке Кохо® фирмасидаги композиция таркиби 100 қисм поливинилацетал, поливинилбутирал ёки поливинилформал, 20-80 қисм пластификатор ва 0,01-5 қисм бор кислотаси махсулотларидар. Аралаштиришни 70⁰С хароратда 5 дақиқа мобайнида жуфт валецларда амалга оширилиб 0,75 мм қалинлиқтаги листлар олинади. Пластификатор сифатида ди-2-этилбутират триэтиленгликолини ишлатишда олинadиган триплексни зарбага чидамлилиги пластификаторсиз ПВБга нисбатан 1,7-2,25 марта юқори бўлади. [80]. Шу фирма томонидан кўп қатламли парчаланмайдиган юқори шаффофликка ва хиралашишга чидамlilikка эга бўлган ойналар ишлаб чиқариладиган плёнкани янада мукамалроқ технологияси ишлаб чиқилган. Бундай плёнка 100 қисм ПВБ, 40 триэтиленгликол-2-этилбутират, 0,1антрасин кўки ва 0,2 қисмидан 2-(3-третбутил-5-метил-2-гидроксифенил)-5-хлорбензотриазол ва 2-(3,5-ди-трет-бутил-2-гидроксифенил) бензотриазолдан иборатдир [81].

Француз фирмаси – Соунт-гобаин витражел томонидан молекуляр массаси 30000-600000 таркибида 0-10% эфир гурухлари, 12-25 % гидроксил гурухлар тутган ПВБ-лист олиш таклиф этилган. Бундай полимерга 10-65% нисбатда пластификатор қўшилади. Тайёр плёнка қалинлиги 0,76 мм керакли намликни ҳосил қилиш ва жараёни тугалаш учун уни валларда қайта ишланади [82].

ПВБ-плёнка ишлаб чиқаришда плёнка юзаси сифатига катта эътибор қаратилади, чунки ПВБ ўз-ўзига ёпишиб қолиш хоссасига эгадир, бу эса уни сақлаш ва триплексга қайта ишлаш жараёни қийинлаштиради. Ёпишувчанлигини камайтириш учун унинг юза қисмини турли усуллар қайта ишланади [86].

–Монсанто фирмаси ПВБ-плёнкани яхшилаш юзаси ишлаб чиқариш усулини ишлаб чиқди, бунга кўра юза қисм нотекислиги 3,1-4,6 мкмдир. Бундай сиртли плёнкани сақлашдаги бир-бирига ёпишиб қолишини камайтиради [87].

Хозирги кунда ПВБ-плёнкани саноатда 2 хил амалга оширилади: қуйиш ва экструзия усулида. Лекин фақатгина экструзия усули саноатда кенг миқёсда қўлланилади, чунки самаралироқдир. ПВБ-плёнка экструзияси асосан ясси тирқишли головка орқали амалга оширилади. Экструзион агрегат конструкцияс композицияси (пластификатор миқдори) ва плёнкани қўлланилишидан келиб чиқади.

Сўнгги йилларда кўплаб давлатларда, масалан, Германия ва Россия икки червякли экструдерлардан фойданиляпти. Бундай қурилмалар афзалликлари гомогенлаш даражасини юқорилиги ва пластикация даражаси юқорилигидир. Уларнинг камчилиги эса нархи қимматлигидир.

ПВБ-плёнкани экструзия усулида ишлаб чиқариш қуйидаги асосий босқичлардан иборат: суюқланмани олиниши; композиция тасмасини шакллантириш; плёнкани термик қайта ишлаш; плёнка тасмасини юзасини пресшлаш; плёнкани қуриштириш; плёнка тасмасини юзасини упалаш; плёнкани саралаш ва ўраш.

Бундай усулда ишлаб чиқарилган плёнка юқори физик - механик ва оптик хусусиятларини намоён қилади [88].

Шундай қилиб, ПВБ-плёнка хоссалари дастлабки поливинилбутирал хоссалари, қўшиладиган қўшимчалар тури ва миқдори ҳамда плёнкани ишлаб чиқариш технологияси билан белгиланади.

1.3 ПВБ-плёнка чиқиндиларини қайта ишлашнинг зарурий ҳолати.

Триплекс ойналарини ишлаб чиқаришда иложсиз кўп миқдорда ПВБ-плёнка чиқиндилари ҳосил бўлади. Бундай чиқинди полимерларга иккинчи ҳаётни қайтариш муҳим ва мақсадга мувофиқ ишдир. Бундай чиқиндилар асосида маҳсулотлар олиш тажрибаси унча катта эмас, чунки аввало уларнинг ишлатилишини илмий асоси яратилмаган, полимер чиқиндиларни рециклизацияси бўйича самарали усуллар етарли эмас, иккиламчи полимерларнинг хоссалари ва структурасини тузулишини қондаси ҳақида маълумотлар йўқ [94-96]. Фақатгина бирламчи ресурсларга нисбатан иккиламчи ресурслар массаси анчагина кичиклиги билан фарқланади, бунда бирламчи маҳсулот хоссалари 30-50% га тушади.

Ҳозирги кунда кунда тобора кўпайиб бораётган полимер чиқиндиларни утилизация қилиш усуллари жадал муҳокама қилинмоқда. Кўп ҳолларда материалларнинг рециклик қилиб фойдаланишни тақдим қилиш мақсадга мувофиқ деб топиляпти. Бунда чиқиндилар майдаланиб, қайта қуйилиб дастлабки жараёнга қайтариляпти ёки порцияларда бирламчи полимерга аралашма ҳолида қўшиляпти [94].

ПВБ-плёнкани ишлаб чиқариш жараёнида чиқиндилардан фойдаланиш маъқул иш эмас, чунки иккиламчи ПВБ нинг хоссалари бирламчига нисбатан анча паст [98].

–Фатра (Чехия) корхонасининг ПВБ-плёнка чиқиндиларини қайта ишлаш тажрибаси шуни кўрсатадики:

1) Тоза (ифлосланмаган) маълум параметрли, етарли миқдордаги чиқиндиларни топиш қийин;

2) Биринчи шарт топилса чиқиндилар омавий ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш чегаралангандир;

3) Кўп холларда чиқиндилардан фойдаланиш иқтисодий самарадор эмас, чунки нархи жихатидан бирламчи хом-ашёддан кам фарқ қилади;

4) Чиқиндиларни кўп миқдорда уларни сақлаш ваташиш қийин;

5) Янги буюмларни ишлаб чиқариш давомида чиқаётган чиқиндиларни қайта ишлаш муаммосини хал қилишга тўғри келади [99].

Бу муаммоларнинг ҳар бири ечимни талаб қилади. Аввало чиқиндиларни сақлашдаги уларнинг тозалиги ва бир типдалигини таъминлаш лозим. Сақлашда чиқиндиларни қайта кирланмасликлари, чанлангмасликлари ва қуёш нури таъсирига тушмасликлари учун ёпиқ жой керак.

ПВБ-плёнка чиқиндиларини қайта ишлашдаги иқтисодий самарадорлигини оширишдаги муаммоларни ечишга фақатгина иккиламчи поливинилбутирал хоссаларини яхшилабгина эришса бўлади.

Полимер хоссаларини яхшилаш мақсадида тўлдириш усулидан фойдаланиш самарадорлиги. Тўлдириш усули полимерларнинг модификациялаш методи сифатида.

Полимерларнинг хоссаларини яхшилашга кўп факторлар таъсирида эришиш мумкин [101]. Улардан асосийларига температура, босим, ҳар хил механик таъсирлар, кимёвий модификация пластификаторлар, сирт-актив моддаларни киритиш, ҳар хил муҳитда қайта ишлаш ва ҳ.к. ларни киритиш мумкин.

Полимерлар модификациясининг физик усулларида полимер композицион материаллар ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган тўлдириш усули кенг тарқалгандир [102].

Аморф полимерга тўлдирувчиларни киритилиши бутун полимер комплекси хоссалари ўзгариши билан амалга ошади. Бу фазалараро

таъсирлашувнинг натижаси бўлиб, бунга аввало адсорбцион ёки молекуляр таъсирлашувлар киради. Улар фазалараро чегарадаги адгезияга, тўлдирувчилар системасидаги физик, механик ва хоссаларга жавоб беради. Фазалараро таъсирлашувлар фазалараро қатламлар ҳосил бўлишига олиб келади, бу қатламларнинг молекуляр ҳаракати, морфологияси ва бошқа физик хоссалари билан фарқланади [103].

Кўп ҳолларда полимер композицион материалларни олиш учун қаттиқ тўлдирувчилар ва толасимон материаллардан фойдаланилади. Тўлдирувчилар сифатида минерал моддалар (талк, каолин, кварц ва х.к.)дан кенг фойдаланилади. Масалан, талк ва каолин билан тўлдирилган материал қайта ишланишга қулайдир ва олинадиган маҳсулотлар ўлчами стабилдир. Бу тўлдирувчилар композицияга қаттиқлик, дағаллик, иссиқликка турғунлик бахш этади [104].

65-80 қисм бирламчи поливинилбутирал, 5-10 қисм карбонатциклогексил, 5-10 қисм пигмент ва 10-15 қисм юпқа дисперс қаттиқ тўлдирувчидан иборат композиция, тўлдирилмаган поливинилбутиралга нисбатан яхши физик механик хоссаларни намоён қиладим [105].

Иккиламчи полимер хоссаларини яхшилаш мақсадида тўлдириш услубидан фойдаланиш ҳам маълумдир [106,107]. Шундай иккиламчи поликапроамидни дисперс тўлдирувчилар билан модификацияланганда унинг релаксион хоссалари ўзгаради, макромолекулаларни ўраш зичлиги полимер-тўлдирувчи чегарасида ошади ва натижада полимер системасининг механик хоссалари юқорилашади [106].

Шундай қилиб, тўлдириш усули иккиламчи поливинилбутирал комплекси хоссаларини яхшилашда самарали бўлиши мумкин.

Тўлдирилган полимерларнинг атмосферага барқарорлигининг ўзига хос хусусиятлари. Полимер материалларнинг атмосферага барқарорлиги-бу узоқ муддат давомида полимер материалларнинг турли атмосфера факторлари (қуёш радиацияси, иссиқлик, ҳаво кислороди,

намлик, саноат газлари ва х.к) таъсиргаташқи кўриниши ҳамда эксплуатацион хоссалари (физик-механик, диэлектрик ва бошқа) ўзгармасдан бардош бериш хусусиятидир [108].

Атмосферага барқарорликнингмикдорий мезони- материалларнинг эксплуатация қилишдан аввалги ва кейинги бир қанча танланган характеристикалари(мустахкамлик, нисбий узайиши, қаттиқлик, диэлектрик хоссалар)ни нисбати. Бир қатор хоссаларни баҳолаш шартли шкалалар ва эталонлар (масалан, рангининг ўзгариши) билан амалга оширилади.

Полимер материалларнинг бир қанча турларининг алоҳида атмосфера агентларига турғунлиги бир хил эмас. Толали ва плёнкасимон полимерлар қуёш радиациясига сезгирлиги юқори, шаффоф пластмассалар иссиқлик таъсирига сезгир бўлса, резина озон таъсирига сезгирдир [109].

Турли полимерларда атмосфера факторлари таъсирида деградация ходисаси рўй бериши мумкин [110]. Лекин кўп холларда атмосфера факторлари таъсиридаги ўзгаришларларнинг барчаси қайтмас жараёнлар бўлиб, улар полимерларнинг ткиририлишига олиб келади [110].

Атмосферага барқарорлиги яхши бўлган полимер материалларга мисол –кремний органик каучути, полиакрилонитрил толаси, полиамидлар асосидаги пластмассалар, полиметилметакрилатлар, ацетилцеллюлоза ва х.к [112].

Адабиётдан маълумки [1] ПВБ ҳам яхши атмосферага қуёш нури, кислород ва озон таъсирига барқарорлигига эгадир. Реал шароитларда атмосферага турғунлик нафақат табиатига, балки эксплуатация шароитига (кун, йил вақти, озон концентрацияси)га ҳам боғлиқдир [108]. Атроф мухитнинг ўта иссиқ шароитида оксидловчилик жараёнлари тезлашади бундан ташқари пластификаторларнинг учувчанлиги ошади, бу эса полимер маткриялнинг дастлабки хоссалари ўзгаришига олиб келади [113].

Хаво таркибида намлик гидролизланаётган полимерларнинг атмосфера барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади, масалан, целлюлоза,

полиамидлар. Шу билан бирга резиналарнинг озонга таъсирига яхши фоида қилади. Реал атмосфера шароитида кўриб чиқилган факторлар одатда бир вақтнинг ўзида таъсир этади [114].

Эксплуатация шартлари ва полимернинг табиати билан бир қаторда атмосфера барқарорлигига турли қўшимчалар, индигриентлар ва тўлдирувчилар таъсир қилади. Бундай моддаларнинг баъзилари (масалан, полимерларниш катализаторлари, оқартирувчи моддалар, темир тузлари, титан (IV) оксиди) атмосферага барқарорлигини сезиларли ёмонлаштириши мумкин. Атмосфера барқарорликни ошириш учун стабилизатор (масалан, бензофенон маҳсулотлари, бензотриазол ва х.к)лардан ёки нур қайтарувчилар (масалан, алюминий кукуни)дан фойдаланилади [112].

20-40% миқдорда ойнали тўлдирувчиларни полиметилметакрилатга қўшилиши бу термопластик, физик-механик хоссаларини сезиларли оширилади [117] ва очиқ ҳавода ишлатишдаги эскиришини секинлаштиради.

Одатда, иккиламчи полимер хоссалари бирламчи полимердан иккиламчи қайта ишлатишдаги структавий ўзгаришлар натижасида хоссалари билан фарқ қилади [118]. Шу сабаб иккиламчи полимердан бўлган маҳсулотларнинг эксплуатацион характеристикаларини аниқлаш, уларнинг ишлатиш муддатларини, эскиришга турғунлигини аниқлаш муҳим амалий аҳамият касб этади [119].

Шу тарзда иккиламчи поликапроамиднинг юқори дисперс тўлдирувчи – каолин ва пластификатор асосидаги композиция хоссаларига атмосферани таъсирини тадқиқ қилинган [120]. Иккиламчи (20%) каолин ва (10%) сланц юмшатувчили пластификатор билан тўлдирилган поликапроамид намуналарини атмосферада эскиришини ёз-куз мавсуми давомида текширилди, бунда намунанинг кўриниши, шакли, ўлчами ва физик-механик характеристикасида айтарлиқ ўзгаришлар кузатилмади.

Шундай қилиб, тўлдирилган композицияларни ишлаб чиқишда, хусусан иккиламчи полимерда, атмосферага барқарорлик хоссаларини эътиборга олиш даркор.

1.4 Полимерлар асосида елим маҳсулотларини олиниши.

Елимларни танлашнинг асосий принциплари.

Хар-хил материаллар учун елимларни танлаш жуда кўп шарт-шароитлар билан белгиланади. Айтиш жоизки ҳар қандай материалларни елимловчи универсал елимнинг ўзи йўқ. Лекин елимларнинг куплаб турлари борки, улардан айнан мосини танлаб олиш керак. Елимларни танлашнинг биринчи ва энг муҳим фактори шуки, елимланган бирикмани эксплуатацияси давомида ҳосил булган кучланишга дош бериши лозим. Шу нуқтаи назардан қуйидагиларни аниқлаш зарурати туғилади:

Ўзулишидаги ва силжишдаги ҳосил буладиган кучланишларга, зарба таъсиридаги ҳосил буладиган кучланишларга ва бошқа ташқи таъсирларга чидамлилигини аниқлаш. Бундан ташқари елимланувчи бирикмалар эксплуатацияси давомидаги ҳароратлар интервали ҳамда елимланган сирт мустаҳкамлигини (когезия) эътиборга олиш зарур. Чунки юқори температураларда термопластлар асосидаги елимларни ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас, бироқ термореактив смолалар анчагина юқори ҳароратларда ҳам қўлланилиши мумкин (улар плёнка ҳосил қилиб бу плёнкалар мустаҳкамлиги ҳарорат ортиши билан ошиб боради).

Эътиборга олиш жоизки елимланиш мустаҳкамлиги нафақат елим таркибига, балки бириктириладиган бирикмалар тури, елимланиш техникаси, елимланувчи юза ва юзалар қалинлигига боғлиқ.

Юқорида айтилганлардан елимланувчи материаллар турли туманилигига қарамадан елимлар системаси қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Мустаҳкам елимланиш учун елимланаётган юзани чанглар, кирлар, ётли доғлар ва бошқалардан тозалаш даркор.

2. Елимланиш жараёнида плёнка ута сиқилган булмаслиг ва елим нотеккисликларни қоплаши лозим.

3. Елим оптимал қовушқоқликка эга булиши зарур, чунки у дағал юэани шаклига кириши керак.

4. Ёпишқоқ елимлардан ташқари бошқа елимлар совуқ шароитда ёкиқизитилганда қотиши ва юқори елимланиш хусусиятига эга булиши лозим.

5. Елимланиш шароитини шундай танлаш лозимки, эритувчилар ва учувчан бирикмалар осон учиш шароитига эга булиши керак.

6. Елимли бирикма бактериялар таъсирига бардошли булиши керак.

7. Елимловчи плёнка ташқи таъсир кучланишларига чидамли булиши керак.

8. Елимланишни юқори мустаҳкамлигига эришиш учун елимланувчи материалга елим турини тўғри танлаш лозим.

9. Елим елимланиш жараёнида суюқ ҳолатда (оптимал қовушқоқлик) булиши керак. Хамда оқувчан ва ўта қалин булмаслиги керак, чунки у ҳаво пуфакчалари таъсирида кучсизланиши мумкин [176].

Поливинилацетат асосидаги елимлар.

Поливинилацетат (ПВА) асосидаги елимлар 1940 йилдан бошлаб хайвонлардан олинадиган елимларнинг ўринбосари сифатида қўлланила бошлаган. ПВА полимерларининг ажойиб хоссалари уларнинг қоғоз маҳсулотларини юқори тезликда қайта ишлашда саноатда кенг қўлланила бошлади [176].

Хозирги кунда ПВА елимлари универсал ишлатиладиган хўжалик елимларини асоси сифатида уй-рўзғор хўжалигида кенг қўлланилади. Улар китоблар ишлаб чиқаришда, автомобил саноатида, қоғоз пакетлари ишлаб чиқаришда, сутлар учун идишлар, елим суртилган прокладкалар,

сигареталарнинг филтрлари, турли коробкалар, этикеткалар, фольгалар, плёнкалар, обойлар ёпиштиришда, қалам графитларини цементлашда, чарм маҳсулотларни ёпиштиришда ва керамик плиткаларни ёпиштиришда кенг қўлланилади.

1950 йилдан бошлаб елимларни қўлланилиш масштаби узлуксиз ўсиб бормоқда. Текстил саноатида ПВАни асосан пахта ва бошқа толалардан мато олишда жараёнида эмульсия ҳолатида ишлатилади.

ПВА мономер винилацетатлардан гранула, эмульсия ёки редисперс кукн олида ишлаб чиқарилади. У эркин-радикал механизм бўйича полимерланиб, бунда бензоил пероксиди ёки аммоний, калий персульфатлари оксидловчилик вазифасини бажаради.

Винилацетат бошқа винил мономерлар билан сополимерлар ҳосил қилади, масалан, винилхлорид, винилендихлорид, фумаратлар, акрил, метакрил ва бошқа кислоталар.

Қаттиқ ҳолатдаги поливинилацетат - шаффоф, ҳидсиз, таъмсиз, токсик бўлмаган ва рангсиз термопластик смоладир. Унинг тузилиши кўпроқ тармоқланган кўринишга эга. У нейтрал ва инертдир ва ҳаво ёруғлик таъсирига турғун, турли молекуляр массага эга бўлган бир қанча навбери ишлаб чиқарилади. Бу навлар бензолдаги моляр эритмаларининг қовушқоқлиги бўйича фарқланади. Физик хоссаларини фарқи молекуляр массанинг турли эканлигидадир.

ПВАнинг ажойиб адгезиясига сабаб поляк ацетат гуруҳлари борлиги ва қовушқоқлик, ёпишқоқлиги ва бошқа хоссаларидир. ПВА турли оддий эритувчиларда эрийди. Буларга ацетон, 95 %ли этил спирти, изопропил спирти (90%ли) ва циклогексанон аралашмаси, диацетон спирти, метилэтилкетон, метанол, бутилацетат, этилацетат, диоксан, бензол, толуол ва бошқалар кирди. Оз миқдордаги сувни қўшилиши кўплаб эритувчилардаги эрувчанлигини оширади.

ПВА керосинда, лигроинда, ўсимлик ва хайвон ёғларида, воскларда, глицеринда ва олифатик углеводородларда деярли эримайди.

ПВА асосидаги (гельва маркаси) эмульсион елимларнинг хоссалари жадвалда келтирилган:

1.1 – жадвал.

Елим гельва	Қовушқоқлик, спз	Молекуляр оғирлиги (ўртача)	Юмшаш нуқтаси, °С	Чўзилишдаги максимал мустахкамлик, кг*куч/см ²	Ейилишга турғунлиги
V-1,5	1,4— 1,7	11000	65	Жуда мўрт	150
V-2,5	2,35-2,75	18000	81	Жуда мўрт	126
V7	6-8	45000	106	287	88
V15	13-17	90000	131	385	77
V25	22-28	14000	153	392	70
V60	54-66	300000	196	455	68
V100	90-110	500000	230	504	64
V800	700-1000	1500000	-	511	59

Поливинил спиртлари асосидаги елимлар.

Поливинилспирти (ПВС) катализатор сульфат кислота ёки натрий метилати иштирокида поливинилацетатни гидролизи натижасида олиниши мумкин. Гидролиз даражасига қараб поливинилспиртининг ишлаб чиқариладиган навлари 40 % гача ацетат гурухлар тутиши мумкин.

Гидролиз даражасини ошириши билан полимерларнинг сувда эрувчанлиги ошиб боради. Молекуляр оғирлик ва гидролизланган ацетат гурухлари фоизи сувда эрувчанликнинг муҳим факторлари ҳисобланади. Кичик молекуляр оғирликка ва кичик гидролиз даражасига (70-80%) эга бўлган навлар сувда хона температурасида эрийди, юқори молекуляр ва гидролиз даражасига (95-100 %) эга бўлган навларни эса совуқ сувда дисперслаб, аралаштирган ҳолатда 85-95 ° С ҳароратгача қиздириш лозим.

ПВС нинг асосий ва муҳим реакцияларидан бири – албдегидлар билан конденсацияланишидир, бунда ацеталлар ҳосил бўлади. ПВС бор

кислотаси билан ҳам таъсирлашиб, осон гидролизланадиган ваметанолда эрийдиган мураккаб эфир ҳосил қилади. Оз миқдордаги буруни, поливинилспиртининг сувли эритмасига қўшилиши қовушқоқликни туширади, кўп миқдордагиси эса – қайтмас геллар ҳосил бўлишига олиб келади.

Поливинилспиртлари асосидаги елимлар кенг ишлатилиш соҳасини топган. Улар сувли эритмалар ҳолида ёки поливинилацетат ва бошқа смолалар дисперсияси билан китобларни муқовалашда, турли қадоқлаш материалларини олишда, қоғоз пакетларини ишлаб чиқаришда ҳамда хўжалик мақсадлари учун елимлар сифатида қўлланилади.

Ўрта гидролиз даражасига эга бўлган навлари энг яхши адгезия хоссалари, қовушқоқликни намоён қилади. ПВС асосида бир қанча елим маҳсулотлари таркиблари олинган.


Юқори ёпишқоқлик ва қовушқоқликка эга бўлган елим таркиби (%):

Гельва TS-70	73
Санитайзер 160	7
Этилацетат	8
Бутилацетат	12
Муқовалаш ишлари учун елим таркиби (%):	
Гельва- TS-70	90
Дибутилфталат	6
Сантолит MS-80	4

Поливинилацеталлар асосидаги елимлар.

Поливинилацеталларни альдегидлар ва поливинил спиртидан олинади. Бу бирикмалар узларининг юқори адгезион хусусиятлари билан елимларнинг муҳим синфини ҳосил қилади. Энг кўп техник аҳамиятта эгаси поливинилбутиралдир. Поливинилбутирални рангсиз ва шаффоф плёнкалар ишлаб чиқаришда булар эса триплекс ойналари ишлаб чиқаришда силикат ойна маҳсулотларини елимлаш учун қўлланилади.

Поливинилбутиралли елимлар симларни изоляция қилишда, мато, қоғоз, металл ва пластик фольгаларни уст қисмини қоплашда суюқланма қуринишида ишлатилади. Бутираллар ва ацеталлар эпоксид смолалар билан мувофиқ келади ва бунда уларнинг ташқи таъсир кучланишига чидамлилиги юқорилашади, ҳамда узилиш ва силжишга мустахкамлиги кучаяди. Текстил саноатида поливинилбутирал матоларга сув утказмаслик ва осон ранг олиш хусусиятини бағишлайди. Спиртларни альдегидлар




билан конденсацияланиши қуйидаги реакция билан боради:

Поливинилбутирал иккиламчи гидроксил гурухлар билан таъсирлаша оладиган моддаларнинг барчаси билан реакцияга кириша олади. Масалан изоционатлар, диальдегидлар, меламино-формальдегидлар амда эпоксид смолалар билан реакцияда қатнаша олади [179].

Поливинилацеталлардан олинган поливинилспиртлар юқори молекуляр маҳсулотлар хисобланиб, гидроксил ва ацетат гурухларни турли таркибига эгадир.

Альдегидлар иккита гидроксил гурухни бирлаштариши мумкин буни қуйидагича тасвирлаш мумкин:



поливинилацетал

Поливинилацеталлар ацеталь, гидроксил ва ацетат гуруҳларни ўз ичига олади ва шу гуруҳларга боғлиқ равишда полимерларнинг физик кимёвий хусусиятлари ўзгаради.

Поливинилацеталларнинг альдегид гуруҳлари формаль, ацеталь ва бутираль бўлиши мумкин. Поливинилацеталларнинг хосалари альдегиднинг кимёвий табиатига ва таркибидаги ацеталь, гидроксил ва ацетат гуруҳлар сони билан характерланади. Бундан ташқари полимерланиш даражаси ва полимернинг полидисперслиги таъсир кўрсатади.

Елимланган бирикмаларнинг қўзилишга мустаҳкамлиги 420 дан 770 кг*куч/см² гача ўзгаради, бу кўрсаткич молекуляр оғирлик ортиши билан ошади.

Ацеталлар эритувчилари кўп тарқалгандир. Бутираллар спиртларда, гликольда, оддий эфирларда, поляр ва неполяр эритувчиларда эрийди. Ацеталлар иккиламчи гидроксил гуруҳлар билан таъсирлаша оладиган моддаларнинг барчаси билан реакцияга кириша олади. Масалан изоционатлар, диальдегидлар, меламина - формальдегидлар ҳамда эпоксид смолалар билан реакцияда қатнаша олади [176].

1.5 Елимларни қўлланилиш соҳалари.

Елимларни қўлланилиш соҳалари жуда кенг бўлиб, улар ёғоч, қоғоз, чарм, резина, фарфор, ойна, целлулоид, фанера, мебел, музика асбоблари, переплёт ишлари ва канцелярия ишлари, поёбзал саноати ҳамда халқ хўжалиги ва бошқа ишларда фойдаланилади. Бундан ташқари замонавий елимлар турли пластмассалар, силикат ва органик ойналар, пўлат, кумуш, мис, алюминий, магнийли бирикмаларни елимлаш хусусиятига эга. Бундай елимланган бирикмаларнинг муҳим сифатларидан бири уларнинг атмосферага турғунлиги, чиришга, коррозияга чидамлилиги билан белгиланади. Кўп ҳолларда елимланган бирикмалар конструкциялар герметиклигини таъминлайди.

Авиация саноатида елимлар асосан металлларни елимлаш учун қўлланилади. Елимланган конструкцияларни қўлланилиши самолёт ва вертолётсозликда кўплаб афзалликларга эга. Бу авваламбор юқори юпқа металлларни бириктиришдаги мустахкамлик, конструкциялардаги кучланишни оз бўлиши ва бошқа афзалликларга эга. Бундан ташқари елимлар 5,6 мм қалинликдаги 2 қават ташқи листли ва 6,35 мм қалинликдаги ички листдан иборат ўқ ўтказмайдиган самолёт ойналари ишлаб чиқаришда қўлланилади [180].

I - боб бўйича хулоса .

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни хулоса қилиш мумкинки поливинилбутирал чиқиндиси ўзининг юқори хоссалари билан қимматли аҳамиятга эга, бу моддадан суюқ ҳолатдаги саноат елимини ишлаб чиқариш хали йўлга қўйилмагани аниқланиб, шу мақсадда ПВБ чиқиндиси асосида комплекс елимловчи маҳсулот олиш муҳим саноат аҳамиятига эга.

II – БОБ. ПВБ-ПЛЁНКА ЧИҚИНДИСИ АСОСИДА ЕЛИМЛОВЧИ МАТЕРИАЛЛАР ОЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ ФИЗИК- КИМЁВИЙ ТАДҚИҚИ.

2.1 Дастлабки моддалар характеристикаси ва кимёвий анализ усули.

Бажарилган илмий тадқиқот ишларда Фарғона «Автоойна» МЧЖ нинг поливинилбутирал плёнка чиқиндиларидан фойдаланилди.

Кимёвий тури: поливинилбутирал, триэтиленгликол ди(2-этилгексанат) билан пластификацияланган.

Кимёвий хоссалари:

100 қисм полимерга нисбатан	
пластификатор миқдори	36,5-39,5
намлиги, %	0,38-0,48

Физик хоссалари:

қалинлиги, мм	0,73-0,79
юзанинг нотекислиги, мкм	22-46
54 ⁰ С да 10 миндаги узаювчанлиги, %	2-6
адгезия, Н/см	32-42
зичлиги, кг/м ³	1100
чўзишдаги узилиш кучланиши, МПа	23
чўзилишдаги эластик модули, МПа	10,6
узилишдаги нисбий узайиши, %	170

Пвб-плёнка чиқиндисидан елим маҳсулотининг олишда уни мос эритувчиларда эритиш ва оптимал ёпишқоқликка ва оқувчанликка эга бўлиши учун зарур. ПВБ эритувчилари сифатида қатор эритувчилардан фойдаланилди:

метиленхлорид - CH_2Cl_2 (дихлорметан), $\rho=1,336$ г/мл, $M=84,93$ г/моль, $T_{\text{қай}}=40,1^\circ\text{C}$, $T_{\text{суюқ}}=-96,7^\circ\text{C}$;

метилэтилкетон - $\text{CH}_3\text{COC}_2\text{H}_5$ (2-бутанол), $\rho=0,799$ г/мл, $M=72,10$ г/моль, $T_{\text{қай}}=79,6^\circ\text{C}$, $T_{\text{суюқ}}=-86,4^\circ\text{C}$;

изопропил спирти - C_3H_7OH (2-пропанол), $\rho=0,785$ г/мл, $M=60,09$ г/моль, $T_{\text{қай}}=80,0^{\circ}\text{C}$, $T_{\text{суюқ}}=-89,5^{\circ}\text{C}$;

бутил спирти - C_4H_9OH (бутанол), $\rho=0,810$ г/мл, $M=74,12$ г/моль, $T_{\text{қай}}=117,25^{\circ}\text{C}$, $T_{\text{суюқ}}=-79,9^{\circ}\text{C}$;

этил спирти - C_2H_5OH (этанол), $\rho=0,794$ г/мл, $M=46,17$ г/моль, $T_{\text{қай}}=78,39^{\circ}\text{C}$, $T_{\text{суюқ}}=-114,15^{\circ}\text{C}$.

Эрувчанликни аниқлаш асбоби сифатида пробка билан беркитилган пробирка, шиша аралаштиргич ҳамда термометрдан фойдаланилди. Бир меъёردа қиздириш учун пробиркани ташқи пробка муфтага жойлаштирилади ва қиздиришни муфта орқали амалга оширилади. Совитиш учун ҳам муфта орқали амалга оширилади. Эритишнинг оптимал шароити $60-70^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этди.

Елимнинг комплекс таркибини хосил қилиш мақсадида бир қатор қўшимча компонентлардан фойдаланилди. Буларга фенол-формальдегид смола, эпоксид смоласи, меламин смоласи мисол келтириш мумкин. Тўлдирувчи сифатида алюминий ва рух оксидларидан фойдаланилди.

2.2 Физик-кимёвий анализ усуллари.

Елим композицияларини физик-кимёвий хоссаларига унинг ташқи кўриниши, қовушқоқлик, ёпишқоқлик, нисбий зичлик, концентрация, рН мухити (водород иони концентрацияси миқдори), қотиш тезлиги ва бошқалар киради.

Суюқ елимларни ташқи кўринишини аниқлашда фақат фақат янги тайёрланган елимлардан фойдаланилади. Ташқи кўриниши визуал тарзда аниқланади. Елимни (25-50 г) $50-100\text{см}^3$ хажмли шиша стаканга жойлаштирилади. Тоза қуруқ шиша таёқчани елимга ботирилади ва 10-20 см (стакан устидан) баландликка кўтарилади. Оқаётган ингичка суюқлик бир жинсли, ташқи механик қўшимчаларсиз бўлиши керак.


Нисбий зичликни аниқлашда шприц ёрдамида амалга оширилди. Бу усул кам тарқалган бўлиши билан бирга нисбатан жуда қулай ва осондир. Бунда оддий $15-30\text{ см}^3$ хажмли шприцдан ҳамда йўғон игнадан

фойдаланилади фойдаланилади. Елимни шприцга олиниб, хаво пуфакчалари йўқотилади ва аввалдан тортиб олинган колбага елимни чиқарилади, сўнг елим массаси аниқланади. Худди шу йўл билан дистилланган сувнинг массаси аниқланади. Нисбий зичликни елим массасини сув массасига бўлтиш орқали аниқланади:

$$\rho_{\text{нис}} = m_{\text{елим}} / m_{\text{сув}}$$

Елим композицияси сифатини баҳолашда муҳим кўрсаткич қовушқоқликдир. Юқори қовушқоқликка эга елим бириктирилатан юзага суртилишда қийинчилик туғдиради, қовушқоқлиги паст бўлса елимни бирнеча қават суртишга тўғри келади. Шу сабаб оптимал қовушқоқликка эг бўлган елим тайёрлаш зарурати туғилади. Қовушқоқликни аниқлашда Стокс усулидан фойдаланилди. Стокс усулида қовушқоқликни аниқлаш шарсимон кичик жисмларнинг суюқлик ичида ҳаракатланиш тезлигини аниқлашга асосланган. Бунда жисмларнинг ҳаракатланишига қаршилик кучи таъсир этади, бу куч жисм тезлигига пропорционал равишда бўлади:

2.1 - расм. Стокс усулида қовушқоқликни аниқлаш.




Бу ерда; - b - қаршилик
коэффициенти, v - шарчанинг
ҳаракат тезлиги.

$$F_c = b \cdot v$$

Органик полимер елимлар бошқа материаллар юзаси билан мустаҳкам бирикма ҳосил қилиши керак. Адгезия деб, турли жинсли юзалар орасидаги молекуляр боғланишга айтилади. Адгезион мустаҳкамликни аниқлаш икки елимланган юзаларни ажратишга кетган кучни аниқлашга асосланган.

Адгезион хоссаларни аниқлашда адгезиометр асбобидан фойдаланилди.



2.2 - расм. Дерягин бурчакли адгезиометри:

- 1- пластинка;
- 2- плёнка;
- 3- юк;
- 4- шкала.

Бунда елим маҳсулоти пластинка 1 га суртилади, қуриган плёнкани 2 маълум қалинликдаги қисмларга кесилади ва кесилган плёнкага юк қуйилади. Пластинкани эҳтиёткорлик билан ўқи атрофида бураб юк пластинкани узиши кузатилади. Узилишдаги иш қуйидаги формула билан аниқланади:

$$A = \frac{P}{\sigma} (1 - \cos \alpha_0)$$

бу ерда, A - узилишдаги бажарилган иш, эрг/см²; σ -узилаётган пластина эни, см; α_0 -узилиш содир бўлган бурчак.

Поливинилбутирал чиқинди таркибидаги учувчан моддаларнинг масса миқдорини аниқлаш. Тадқиқотни олиб борилиши маълум массадаги поливинилбутирал чиқиндиси олиниб, уни керакли ўлчовдаги бўлақларга қирқилиб, ҳарорат остида қиздиришга асосланган. Учувчан

бирикмаларнинг масса миқдори $X, \%$ қуйидаги формула билан хисобланади:

$$X = \frac{(m - m_1) \cdot 100}{m}$$

бу ерда, m – плёнканинг қуритишдан олдинги массаси, г.

m_1 - қуритишдан кейинги масса, г.

II - боб бўйича хулоса.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ушбу бобда поливинилбутирал чиқиндисини эритувчилари, физик-кимёвий хоссалари ҳамда олинган елим таркибларини баъзи хоссаларини тадқиқ қилиш усуллари баён этилган.

3 – БОБ. ПОЛИВИНИЛБУТИРАЛ ПЛЁНКА АСОСИДА ЕЛИМЛОВЧИ БИРИКМАЛАР ОЛИШ ЖАРАЁНИ ТАДҚИҚИ.

3.1 Поливинилбутирал чиқиндиси таркибини тадқиқи.

Поливинилбутирал чиқиндиси асосида елим маҳсулотини олиш унинг мос эритувчиларда эритиш, олинган эритмани модефикациян қўшимчалар билан бойитиш ва олинган таркибнинг елимловчилик хусусиятини тадбиқ қилишга асосланган. Поливинилбутирал чиқиндиси таркибида хар-хил учувчан моддалар бўлади. Уларининг миқдорини аниқлаш учун қуйидаги усулдан фойдаланилди.

Поливинилбутирал чиқинди таркибидаги учувчан моддаларнинг масса миқдорини аниқлаш.

Керакли асбоб ва реактивлар:

Техник тарози, 100⁰С дан 200⁰С хароратгача ўлчайдиган термометр, тортув учун стакан, қурутувчи электрошкаф.

Тадқиқотни олиб борилиши: 10 грамм миқдордаги поливинилбутирал чиқиндиси олиниб, уни 2х2 мм ўлчовдаги бўлақларга қирқилади ва 3 дақиқа мобайнида аралаштирилади. Хосил бўлган ўрталашган намунадан 3 г миқдорда олиниб олдиндан тортиб олинган стаканга жойлаштирилиб иситилган шкафга 30 дақиқа мобайнида 120⁰С хароратда ушланади. Сўнг стакан совутилиб тортилади. Учувчан бирикмаларнинг масса миқдори X,% қуйидаги формула билан хисобланади:

$$X = \frac{(m - m_1) \cdot 100}{m}$$

бу ерда, m – плёнканинг қуриштишдан олдинги массаси, г.

m_1 - қуриштишдан кейинги масса, г.

Қуриштишдан олдинги масса 3 г, қуриштишдан кейинги масса 2.04 г ни ташкил этди. Шунга қўра:

$$X = \frac{(3 - 2,94) \cdot 100}{3} = 2\%$$


